



HURRIYAT

O'zingni anglala!

Mustaqil gazeta

2018-yil 25-iyul, chorshanba * № 31 (1093) * 1996-yil dekabr dan chiqarib boshlagan * Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz * www.hurriyat.uz

Гулаҳ эмас, ЛЕКИН ҲАММОМДА ЯШАЙДИ

Судбозликнинг ҳам, қоғозбозликнинг ҳам охири кўринмайди. Бутун бошли идоралар битта ноқонуний дарвозани олиб ташлай олмайди, аниқроғи, хоҳламади. Истаса-да, кучи, қурби етмайди.



Энг муҳим вазирликдан ҳам МУҲИМРОҚ СОҲА

Халқаро майдонда мамлакатимизни турли ахборий хуружлардан ҳимоя қилиш, унинг нуфузини янада ошириш учун шундай ахборот манбаига катта эҳтиёж сезилмоқда.



Рус тилидаги МИЛЛИЙ ГАЗЕТАМИЗ

У ёзган мақолалар ва тайёрлаган суҳбатларни газетхонлар нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам катта қизиқиш билан ўқийдилар. Унинг газетадаги ҳар бир салмоқли чиқиши газетхонларда қизғин фикр ўйғотиб, баҳс-мунозараларга сабаб бўлади.



ЗАМОН ТАЛАБИ

Фикр

Интернет саҳифаларида ўзим излаб юрган бир дастурни кўриб қувониб кетдим. Уни сотаётган сайтдан рўйхатдан ўтиб, анкета саволларига жавоб бергач, юклаш тугмасини босдим. Аммо дастур нархи анчагина қиммат экан. Яхшиси, дўжондан сотиб оларман, деган фикрга келиб, тармокдан чиқдим.


Мени хайратлантиргани — эртаси кун электрон китоб, қўлланма ва дастурлар савдоси билан шуғулланувчи пойтахтимиздаги мазкур фирма вакили кўнгирак қилиб, ўша дастур бўйича гап очди: «Дастуримиз сизга манзур бўлганидан хурсандимиз. Юклаб олмоқчи бўлган экансиз, нимасидир ёқмади, шеклли. Эҳтимол, сизга қулайроқ нархни таклиф этармиз? Сизни яна қандай дастурлар қизиқтиради?...» Кейин билсам, телефон рақамимни мен тўлдирган анкетадан олган экан.

Очигини айтганда, мижозларга бу даражада жиддий эътибор, уларнинг эҳтиёжига қараб ўз хизмати ва маҳсулотини таклиф этиш, қисқаси, ажабтовур сервисни биринчи марта кўришим эди. Замонавий бизнес, маркетингнинг биринчи шарт бўлган мижозлар билан ишлашнинг бундай намунасини одатда биз хориж фильмларида кўрар эдик. Агар бир неча йил олдин ҳар қадамда учрайдиган ҳолат — харидорга парво ҳам қилмайдиган «тўнка» сотувчидан асабларимиз қақшаганини эсласак, хурсанд бўлишга арзийдиган янгилик.

Аслида бозор иқтисодиётининг асосий шарти ҳам шу. Модомки, даромад манбаи харидор экан, биринчи вазифа — унинг кўнглига йўл топиш. Буни англаб етган тадбиркорларнинг энди ошгани олчи. Савдоси юришмаган, ишларидан барака қочган тадбиркорнинг дўконига кириб, ходимларнинг муомаласини кузатсангиз, муаммонинг асл сабабини англайсиз. Савдодан мисол келтирдик. Бугунги кун талаби эса барча соҳада замон билан ҳамнафасликни такозо этмоқда. Профессиналлик, мижозлар билан ишлашнинг тўғри ташкил этиш, айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасида энг долзарб масалалардандир.

Энг муҳими, илгор тадбиркорларимиз замон талабини, ҳар бир харидор, мижоз билан зарур бўлса, алоҳида ишлаш лозимлигини тушуниб етмоқда. Бу эса ўз самарасини бериши, юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлигининг ошшига хизмат қилиши шубҳасиз.

Анвар АҲМЕДОВ, Самарқанд.



Ҳозирги ёшлар

Ҳакимбой Эгамбергано-
нов 1995 йил 12 август-
да Хоразм вилояти
Урганч туманида туғил-
ган.

Қатор республика ва
халқаро олимпиадалар
ғолиби, олти олтин, бир
кумуш медаль соҳиби.

2015 йил «Ўзбекистон
белгиси» кўкрак нишо-
ни, 2018 йил «Мард
ўғлон» Давлат мукофо-
тига сазовор бўлган.
«2017 йилнинг энг яхши
талабаси» номинацияси
бўйича Ўзбекистон —
Европа иттифоқи муко-
фоти соҳиби.

УАМ этангдан наҳкал тутиб

К узатувларнинг шохидлик беришича, математика илмини пухта ўзлаштирган кишининг тахлил ва маънавий фикрлаш даражаси юкори бўлади. У нафақат мисол ва масалаларни ечишда, балки ҳаётдаги турли вазиятларда ҳам тезкорлик билан қарор қабул қилиш, муҳокама ва музокара олиб бориш, ишларни бос-

қимча-босқич бажариш қобилиятини ўзида шакллантиради. Математикаларга хос фикрлаш келажақда амалга ошироқчи бўлган ишлар, тева-рак-атрофда юз бераётган воқеа-хадисалар ривожини кўра олиш даражасига олиб чиқади.

Математика илмига тамал топини қўйган буюк аллома ал-Хоразмий днрида туғилиб, вояга етган Ҳакимбой Эгамбергано-
новга ҳам ана шу сифатлар бегона эмас.



Очиқ гап

Намунавий уйлар СОҲИБЛАРИ

Бойсунлик фуқароларнинг бу йил ҳам намунавий лойиҳалар асосида қурилган уйимизга сел кирди, ҳовлимизни лойқа сув босди, деган гапларига ишонгимиз келмади.

Негаки, бу уйлар олдингидек дуч келган жойга гуваладан таваккал қурилмаган-да! Аниқ ҳисоб-китоб, хавфсизлик масаласи ҳар томонлама эътиборга олинди, тегишли ташкилотларнинг хулосаси ва малакали мутахассислар тавсияси асосида барпо этилган.

Шундай экан, бундай гап-сўзлар қаёқдан чиқди?

Жорий йил 19 май кунини Сурхондарё вилоятида кучли ёмғир ёғди, айниқса, Бойсунда кўп ёғди. Оқибатда туманининг Мустақиллик маҳалласида бунёд этилган намунавий лойиҳалар асосидаги замонавий уй-жойлар турли даражада талафот кўрди.

Бўлгани боис баҳорда ҳам, ёзда ҳам қутилмаганда осмонда булут пайдо бўлиб, шаррос ёмғир ё дўл ёғиши кеч гап эмас, — дейди мазкур маҳаллада яшовчи Файзулла Нормаматов. — Осмонга булут чиқса, болаларимиз билан юрагимизни ховучлаб ўтирадиган бўлиб қолганмиз. Ишқилиб, уйимиз ёндан ўтадиган сел ўзанидан

тошиб кетмасин, дея хавотирда турамыз. Ишонинг, бу йил уйимизни биринчи марта сел босаётгани йўқ. Девор ва шифтлардаги ёриқлар ўша селларнинг таъсири. Аввал ҳам баҳорда шунга ўхшаш хадисалар юз берган. Бирок, бу йилги ёмғирчилик бизни жуда шошириб қўйди. Ўзанидан тошган сел пишқириб, уй ичигага кириб келди. Бино чўкиб, хоналардаги ёриқлар кенгайди. Кўшимча иморатларга ҳам катта зарар етди. Экинлар лойқа остида қолди. «Жигули» машинами сотиб, кўрилган зарарни қопладим. Энди сел суви йўлини ўзгартиришни сўраб, туман ва вилоят ҳокимлигига, бошқа му-

тасадди ташкилотларга мурожаат қилаймиз. Бунинг иложи бор, деб ўйлайман. Лекин натижа бўлмаяпти. Қуруқ ваъдадан бошқа бирон чора кўрилмапти. Икким йилдан-йилга ўзгариб бораётгани сабабли табиий офатдан жиддий хавотирдамиз. Замонавий уйда хотиржам яшаймиз, деб ўйлагандик, лекин бундай бўлмади, тўғриси, хурсанд эмасмиз. Яхшиям сел тошқини кундузи бўлди, мабодо тун бўлганида борми, худо асрасин! Мурожаатларимиз билан биз фақат ўзимизнинг эмас, сел йўли бўйлаб яшаётган барча аҳоли хавфсизлигини назарда тутмоқдамиз.



КЕЙИНГИ СОНЛАРДА:

“ҲАР БИР ҚЎШИҒИНГДА ВАТАН ЯРАЛСИН!”

Ўзбекистон халқ артисти Маҳмуд НАМОЗОВ билан суҳбат

Хавф: САРХОНАНИНГ ТУТУНИ

ДУНЁНИ ЗАБТ ЭТАЁТТАН ТЕЛЕКАНАЛ

УЛАР БИРГА САЙР ҚИЛИШНИ ХУШ КЎРАР ЭДИ



— Бойсун тоғли жой

ТОШКЕНТДА ТУҒИЛИБ, АМЕРИКАДА КЎЗ ОЧГАН КАШФИЁТ

Эртага, 26 июлда XX асрнинг буюк кашфиётларидан бири — электрон телевидение — «Тошкент телефоти»нинг расмий синовдан ўтганига 90 йил тўлади.

ФАРҲОД ТОПГАН ХАЗИНА

Бу кашфиёт Радиотехника ва электроника бўйича Бутун жаҳон уюшмаси, ЮНЕСКО, демак, жаҳон ҳам-жамияти томонидан эътироф этилган. Зеро, бугунги кунда инсоният тарихида оламшумул аҳамиятга эга телевидение ҳақида сўз юритиш, уни яратган олимларни хотирлаш бурчимиз.

Ўтган асрнинг 20- йиллари миёнасида Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) физика лабораторияси ходими Борис Грабовский ва унинг сафдоши Иван Белянский томонидан таоминла янги — электронлар оқими ёрдамида тасвир ҳосил қилувчи ва уни масофага узатувчи телевидение техник мажмуаси (телестанция, тасвир ва овоз узаткич мосламаси, уни қабул қиладиган — телевизор) ихтиро этилди.

Инсоният азал-азалдан узок-узоклар, баланд-баландларга парвоз қилишни, дунёда қандай воқеалар юз бераётганидан воқиф бўлишни, бошқа сайёраларда ҳаёт бор-йўқлигини билишни орзу қилиб келган. Барча халқлар ижодида замонавий телевидениенинг тимсоллари — «Тошойна», «Жоми Жамшид», «Ойнаи Искандарий», «Ойнаи жаҳон» каби атамалар учрайди. Ҳазрат Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонида ҳам худди шу мўъжизакор кўзгу ҳақида гап боради. Чин мамлақати ҳукмдорининг фарзанди Фарҳод боло-ватта етгач, дунё тилсимларини очишни орзу қилади. Кунларнинг бирида у отаси хазиналари орасидан бир кўзгу топиб олади. Бу оддий кўзгу эмас, оламнинг ўзга бурчларида юз бераётган воқеаларни кўрсатувчи сеҳрли мўъжиза эди. Фарҳод унда бир гўзал малак сиймосини кўриб, севиб қолади.

Энди яқин тарихга қайтсак...

ДЕРАЗАЛИ САНДИҚЧА

1907 йили Санкт-Петербург технология институтини профессори Борис Львович Розинг тасвирни масофага узатишда нур тарқатувчи электрон трубкани қўллашни таклиф этади. 1911 йили 22 майда у ёруғ фонда бир-бирга параллел иккита қора чизикни нур тарқатувчи электрон трубкада қабул қилиш жараёнини тажрибада сынаб кўради.

Шайхонтоҳур туманидаги Баланд масжид кўчаси 74 (69) уйда (тасодифни қарангки, Тошкент телевизион маркази 1956 йилда шу ховли ёнида қад қўтарган) Ҳамзахон опа ва Юсуфхон ака Мирзамухамедовлар ховлисида 1925-1928 йилларда тасвирни ҳам узатувчи, ҳам қабул қилувчи — иккала томони ҳам электрон тизимга асосланган замонавий телевидениенинг асбоб-ускуналари ишлаб чиқилиб, жаҳонда биринчи ҳақиқий электрон телевизион техника мажмуаси яратилди.

Эски шаҳардаги бу табаррук хонадонда 1925-1929 йилларда Борис Грабовский ва Иван Белянский ижарада туришган. Айнан шу масқанда 1928 йили тажриба-синовлардан бирида бир хонадан иккинчисига электрон тасвир узатишган.

«Дастлабки телевизор экранининг сатҳи гугурт қути-сидан салгина каттарок эди», — деб эслашади кейинчалик ихтирочилар.

Даставвал экранда ҳамма нарсга қизиқувчан, уста-хона асбоб-ускуналари чангини артиб-суртиб юрувчи уй бекаси Ҳамзахон опанинг қимирлаётган бармоқлари кўрилади. Сўнг эса қўл ҳаракати шамолдан лишилланган шамчирок кўзга ташланади. Бу воқеа Шайхонтоҳур маҳалласида, айниқса, катта шов-шувга сабаб бўлади.

Тошкентда шов-шув тарқалади: «Ҳамзахон опанинг уйида томоша кўрсатадиган деразали сандиқча бор экан. Унда одамларнинг сурати худди жони бордай ҳаракат қилар экан. Сандиқчасини ичига ҳатто темир йўлда юрадиган кўнка-трамвай ҳам синиб кетар экан...»

Соҳанинг назарий қисмини ўрганиб чиққан Б.Грабовский тасвир электронлар оқими ёрдамида узатилиб, электронлар оқими ёрдамида қабул қилинишни керак, деган катъий илмий хулосага келади. У тасвирни узатишда кўпчилик ёқлаётган механик усул истикболсиз эканини англаб етган эди. Ихтирочи тасвирни масофага узатувчи зарур асбоб-ускуналарни ясади. Ускуналар Тошкентдаги «Тошгэстрем» ва ремонт-механика заводи ҳамда Ўрта Осиё давлат университетини физика лабораториясида ясалади.



Табиатнинг ноёб гўшаси

Музейга саёхат

Ёши қарийб бир ярим асрга тенг Ўзбекистон давлат табиат музейи — пойтахтимизнинг гаройиб масканларидан бири, табиатнинг ноёб гўшаси. Зеро, бу ерга келган табиатсевар мактаб ўқувчилари, болакайлар, албатта, олам-жаҳон таассурот олишлари турган гап. Энг муҳими, жонажон Ўзбекистонимиз табиатининг мўъжизакор ва гаройиб сир-синоатларига ошно бўлишди. Ватанимиз ҳайвонот, наботот оламиндан сўзловчи экспонатлар болажонларни ўзга дунёларга етаклайди. Шу ўринда бир янгилик, ўқувчилар ёзги таътилни кўнгилли ўтказишлари учун ҳафтанинг сешанба, шанба кунлари барча музейлар қатори бу масканга ҳам кириши бепул. Энди ўқувчиларда вақтини турли компьютер ўйинларига бағишлаш эмас, балки музейларга саёхат қилиб, ўз тафаккурини бойитиш имкони туғилди. Бу ўз навбатида ёшларнинг табиатга, Ватанга меҳр билан улғайишига ҳисса қўшиши табиий.



Бугун юртимизда барча соҳалар қатори музейлар ва музейшуносликни ривожлантиришга янги қадамлар қилинмоқда. Айниқса, туризм соҳасига берилган эътибор ўз навбатида музейлар фаолиятининг ҳам жонланishiга жиддий туртки бўлаётган. Айни пайтда Ўзбекистон давлат табиат музейи ва вилоятлардаги ўлкашунослик музейлари ўртасида мустахкам алоқа ўрнатилиб, экотуризмни ривожлантириш юзасидан тегишли тадбир ва режалар ишлаб чиқилган.

Республика музейларида илгор техника ва технологияларни жорий этиш, ахборот-ресурс марказлари фаолиятини ривожлантириш борасида ҳам янги лойиҳалар амалга оширилмоқда. Соҳага оид дунёга машҳур илмий марказлар билан ҳамкорликда илмий-тадқиқот ишлари амалга ошириляётгани ҳам келгусида улкан ютуқлардан далолатдир.

Айтиш керакки, музей соҳасининг ёш кадрлар билан таъминланишида Камолитдин Бехзод номидаги илмий рассомлик ва дизайн институтининг ўз ўрни бор. Энг сўнгги янгилик, эндиликда институтда музейшунослик бўйича яна учта йўналиш иш бошлади. Бу ҳам шубҳасиз, тизимнинг келгуси ривожига хизмат қилади.

Шаҳризода
РАҲМАТОВА

Мерос

Кўпни кўрган кексаларимизнинг суҳбатига қулоқ тутсангиз, “Белбоғи бор эр йигитнинг бели бакуват бўлади” ёки “Белингдаги белбоғинг бўшамасин”, деган гапларини эшитамиз. Азалдан белбоғ мардлик, орият ва жасурлик тимсоли бўлиб келган. Йигитлик мавсумига қадам қўйган ўсмирларнинг белига отаси ёки тоғаси “Илоҳим, белинг бакуват бўлсин!”, деган яхши ниятда белбоғ боғлашида ҳам ана шу маъно мужассам.

Қадимий ёзма ёдгорликлардан бири “Авесто”да бола 15 ёшга тулганда маҳсус “белбоғ боғлар” маросими ўтказилганлиги хақида маълумотлар бор. Халқимизнинг никоҳ тўйи маросими билан боғлиқ удумларида ҳам бу ўзининг рамзий ифодасини топган. Масалан, Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманидаги анъаналарга қўра, куёв томондан қизга совчи юборилганда йигитнинг бобоси ёки отаси совчиларнинг бўшаб бериши бўлган. Қиз хонадонига борган совчи ўтириб гап бошлаш асосида белидаги белкарини бўшаб қўяди. Шундай қилинса, қиз томон ҳам бундан «бўшашиб» қудалашига рози бўлади. Андижонлик совчилар қиз хонадонига олиб борадиган совға-саломлари орасига битта кичкина оқ туғунча ҳам қўшиб қўяди. «Шайтон оралама» деб аталадиган бу туғунча «қудалашаётган икки оила орасига совуқлик тушмасин, муносабатлари хамиша илик, совчиларнинг йўли оқ бўлсин», деган мақсадда қўйилади.

Агарда қиз томон қудалашига рози бўлса, совчиларга

Белида белбоғи бор йигит



тўн кийгизиб, белига белбоғ боғлайди. Куёв томон совчилардан қайтиб келган кишиларга «Бўримиз, тулкими?» — деб савол беради. Агар совчиларнинг иши битган бўлса «бўри» деб жавоб беради, бўлажак куёвнинг отаси ёки бобоси ҳам совчининг белига белбоғ боғлайди.

Тошкент шаҳри ва унинг атрофидаги айрим қишлоқларда никоҳ тўйида тортишмачоқ удуми ўтказилганда белбоғ ишлатилиши кузатилади. Анъанага қўра, куёвни чимилдикка киргизиб қўйиб, кейин қизни чодир (палак, қўрпа, тагдўзи палак) билан бирга уйга олиб кириб, бир томонда қиз тараф, иккинчи томонда йигит тараф туриб ёш, соғлом, кучли жувонлардан бири белига белбоғ боғлаб ўртага ту-

шади. Қиз-жувонлар кийкириб тортишади. Охири бир томон зўр чиқиб енгади. Чодир ичида қизни тайёрлаб турадилар, шу пайтда куёв чиқиб келишни чимилдикка олиб кириб кетади.

Сурхон воҳасида эса қизлар бўлажак ёрига атаб чопон, белбоғ, дўппи тикади. Бу либос-

Хуллас, белбоғ асрлар мобайнида ориятлик, куч-қувват, баҳодирлик ва жасурлик тимсоли сифатида йигитларимизнинг гурурини кўкка кўтариб келган мўътабар либос. Шундай экан, ўз юртининг ҳар қарич тупроғини муқаддас билган, оила кўрғонини кўрагини қалқон қилиб асраган ҳар бир йигитнинг белида белбоғи бор бўлсин!

Шаҳодатбону ИМОМНАЗАРОВА,
Ўзбекистон Фанлар академияси
Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти
катта илмий ходими,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори


Юртимизда тўрт минг саккиз юздан зиёд ўсимлик, ўн олти мингдан зиёд турдаги жонзот урчаниши ҳаммамиз билан биргача муайян қисми сайёраимизда камёблашиб, фақат юртимиздагина қолганиничи? Мана шу бойлигимизни аҳолига, айниқса, ёшларга таништиришда Ўзбекистон давлат табиат музейининг хизмати бекиёс. Айни кунда музейда 372 мингдан зиёд экспонат, жумладан ботаника бўйича 10 минг 496, зоология бўйича 359 минг 642 (шундан 355 мингтадан хашаротлар), геология бўйича 1883 экспонат борлиги фикримизнинг тасдиғидир.

Музейнинг яна бир эътиборли жиҳати, унинг илмий фондидаги энтомология (хашаротлар) коллекцияси нафақат Марказий Осиё, балки ҳамдўстлик мамлакатлари миқёсида ҳам ноёблиғида. Зоология ва ботаника, геология ва география бўлимларидаги қизиқарли экспонатлар оламининг пай-

до бўлиши, органик дунё эволюцияси, она табиатимиз ва табиий бойликларимиз хақида теран тасаввур беради.

Экспонатлар, коллекциялар ва кўргазмали материалларни кўриш мақсадида масканга йилига 50 мингдан ортиқ томошабин келади. Улар бу ерда энг қадимги даврдан бугунги кунгача юртимиз ҳудудида рўй берган табиий жараёнлар, мавжуд табиат ёдгорликлари, “Кизил китоб”га киритилган жонзотлар билан танишадилар. Табиат музейида бўлган киши инсон ва табиат ўртасидаги узвий боғлиқликни, сирли ва ўзига хос уйғунликни англайди, гўё. Тур сифатида буткул йўқолиб кетган наботот ва ҳайвонот вакиллари эса сизни оғоҳликка чорлаётгандек тасаввур уйғотади. Ташриф буюрувчиларда мамлакатимизнинг ноёб табиати тўғрисида унутилмас таассурот қолдириш мақсадида мавжуд биогуруҳлар, ҳайвонлар ва ўсимлик намуналаридан ландшафт усулида яхлит экспозиция яратилган.

Асов қашқа



Абдуғани ЖУМА фотоси

Кўзларига ёш қанқиси

Ҳикматлар хазинасидан

Қизалоқ ошхонага кирганида онаси кечки овқат тараддудида эди. У қўлларини артган, қозони олиб ўқий бошлади. Унда қуйидаги рўйхат ёзилган эди:

- “борни тозаланим учун — 5 лира”;
- “дўконга бориб келганим учун — 10 лира”;
- “укамга қараганим учун — 15 лира”;
- “хонамни тартибли сақлаганим учун — 1 лира”;
- “ахлат ташлаб келганим учун — 1 лира”;
- “аъло ўқиганим учун — 25 лира”;
- “жами: 57 лира”.

Она табассум қилди. Қиз сабрсизлик билан жавоб қутар экан, қозони ўтириди-ю, шундай ёзиб берди: “Сени тўққиз ой қорнимда олиб юрдим — текин” “Тунари бедор бўлиб, оромингни ўйладим, касал бўлсанг тузалишинг учун нима зарур бўлса, қилдим, дуоғўйинг бўлдим — текин” “Йиллаб сарфлаган вақтим, хатти-ҳаракатларим, қўзёшларим — текин”

“Тунари келажингни ўйлаб чеккан изтиробларим, хавотирларим — текин” “Сенга берган тавсия ва билимларим — текин” “Ўйинчоқларинг, озиқ-овқатинг, кийимларинг — текин” “Оқ ювиб, оқ тариганим — текин” “Қизим буларни жамлаганингда, меҳр-муҳаббатининг текинлигини кўрасан”.

Бу сўзларни ўқиган қизалоқнинг кўзларида ёш ҳалқаланди. Бошини кўтариб: “Сизни жуда яхши кўраман, мени кечиринг, ойижон”, деди. Кейин эса ўзи ёзган рўйхат тагига катта-катта ҳарфлар билан ёзиб қўйди: “Ҳаммаси тўланган”.

HURRIYAT

Бош муҳаррир
Қулман ОЧИЛ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табоқ, Бичими — А-2. Баҳоиси келишилган нархда



Ахборот ҳамкорлими:
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларга қайтарилмайди.

Телефон:
(0-371) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (0-371) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (0-371) 244-32-88

Топширинг вақти — 20⁰⁰
Топшириқда — 18⁰⁰

Индекс: акса
обуначилар ва
ташкilotлар
учун — 233

Манзиллими: 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайн Нигора Ташева томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: Бобур Муҳаммадиев

“O‘zbekiston” НМИУ босмахонасида чоп этилади.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.